

Хўжаобод тумани

“17” декабрь 2021 йил

“Транссервис Газ Ойл” МЧЖ номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш. Маманазаров бир томондан (матн давомида “Таъминотчи” деб номланади) ва Хўжаобод ГЕОСИ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Х. Бакиржанов иккинчи томондан (матн давомида “Истеъмолчи” деб номланади) мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1 Таъминотчи ўз зиммасига Истеъмолчига маҳсулотни етказиб бериш, Истеъмолчи эса ўз зиммасига кўрсатилган маҳсулот нарҳини ўз вақтида тўлаб бериш ва қабул қилиш мажбуриятларини оладилар.

№	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	1 м <sup>3</sup> нарҳи	Жами етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми, м <sup>3</sup>	Умумий қиймати
1	Газ баллонли автомашиналар учун сиқилган табиий газ (СТГ)	м <sup>3</sup>	2800	27000	75600000

Маҳсулотни етказиб бериш, Истеъмолчи автомобилларининг газ баллонларини Таъминотчига қарашли Автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларида (АГТКС) тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

### 2. ТЎЛОВЛАР

2.1 Шартнома тузилган кунига бўлган унинг нарҳи 75600000 (Ҳақини беш миллион олти юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.2 Сиқилган табиий газнинг келишилган нарҳи 1 м<sup>3</sup> учун 2800 (Икки минг саккиз юз) сўмни ташкил қилади ва у йил давомида ўзгариши мумкин.

2.3 Сиқилган табиий газни етказиб бериш (заправка қилиш), Таъминотчининг ҳисоб рақамига мазкур Шартнома суммасининг 100 % олдидан тўлови тушганидан сўнг, белгиланган шаклдаги тарқатма ҳисоб варақалари орқали амалга оширилади.

### 3. СИФАТ.

3.1 Етказиб берилётган маҳсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ДСт ёки ТШ-ларга мувофиқ бўлиши шарт.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Истеъмолчи ГБУ (газ баллон ускуналари) билан жиҳозланган автомобилларнинг техник ҳолати, ҳамда улардан фойдаланиш пайтида техник ҳавфсизлиги, шунингдек ёнгин, санитария ва экология қоидаларига риоя қилиш учун учун жавобгардир.

4.2 Истеъмолчи мажбуриятлари:

- а) сиқилган табиий газни ишлатиш ва ГБУ билан жиҳозланган автомобиллардан фойдаланишга оид масалалар бўйича амалдаги қоидалар, техник шартлар, йўриқномалар ва низомларга риоя қилиш;
- б) автомобилнинг газ баллон ускуналарини ва моддий қисмини соз ҳолатда сақлаш;
- в) йўл варақаларига автомобилнинг техник соз ҳолати, баллонлар сони ва уларнинг диаметр ҳажми ҳақидаги ёзувларни киритиш;
- г) белгиланган тартибда автомобилни заправка қилиш учун руҳсатнома олиш;
- д) автомобилнинг техник паспортида (маҳсус варақасида), шунингдек маҳсус тахтача ёки автомобилнинг биронта қисмига жами баллонларнинг геометрик ҳажмини, 0,5 гача аниқлик билан, ёзиб олиш.

4.3 Таъминотчи ўзини АГТКС жиҳозларини жорий таъмирловдан ўтказишдан аввал 1 суткадан кам бўлмаган муддатда бу ҳақда Истеъмолчини огоҳлантиради, капитал таъмирловда эса таъмирлаш ишларни бошлашдан аввал 15 кундан кам бўлмаган муддат ичида.

4.4 Таъминотчи мажбуриятлари:

- а) мазкур Шартнома шартларига мувофиқ маҳсулоти етказиб бериш;
- б) Истеъмолчи (Истеъмолчининг ходимлари) томонидан заправка регламентининг ўрнатилган қоидалари ёки мазкур Шартнома шартлари бажарилмаса, автомобилларини сиқилган табиий газ билан заправка қилмаслик.

## 5. ГАЗ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

5.1 Истеъмолчига етказиб берилаётган сиқилган табиий газнинг миқдори Таъминотчининг ўлчаш ускуналари бўйича, АГТКС-ларда Истеъмолчига автомашиналарни заправка қилиш учун етказилаётган газ ҳажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ, Давлат стандарти томонидан тасдиқланган О'zDSt 51-034094 "АГТКС-ларда қуйилаётган газнинг ҳажмини ўлчаш ва ҳисоблашни бажариш қўлланмаси"га асосан аниқланади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1 Сиқилган табиий газни мазкур Шартномада белгиланган меъёридан ортиқ олинishi кўшимча битим орқали расмийлаштирилади.

6.2 Етказиб берилган сиқилган табиий газ учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчидан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,2 фоиз миқдорида пеня ундирилади.

6.3 Таъминотчи мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тегишлича бажармаган тақдирда, ундан Шартноманинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

6.4 СТГ учун тўловлар бўйича мажбуриятларни таъминлаш мақсадида Тарафлар қарздор мулкани ушлаб қолиш ҳақидаги кўшимча шартномани тузишга ҳақли, ёки Таъминотчи Истеъмолчидан тегишлича расмийлаштирилган кафолат мажбуриятини ёки нотариал тасдиқланган кафиллик шартномасини талаб қилишга ҳақли.

6.5 Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тегишлича бажармаган Тараф ЎзР конунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## 7. ФОРС МАЖОР.

7.1 Таъминотчи газни етказиб бериш, Истеъмолчи эса газни қабул қилиш миқдорини камайтиришга қуйидаги ҳолатларда ҳақли:

а) олдидан билишни иложиси бўлмаган ҳолатлар туфайли конларда, магистрал газ қувурларида, сахар газ ва электртармоқларида авариялар содир бўлса;

б) ёнғинлар, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар пайтида;

в) магистрал газ қувурларида, сахар газ ва электртармоқларидаги навбатдаги капитал таъмирловлар, улар билан боғлиқ синовлар, шунингдек пайвандлаш ишлари пайтида

## 8. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1 мазкур Шартнома имзоланганидан сўнг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар амалда бўлади.

8.2 Шартнома иккита бир хил юридик кучга эга нусхада тузилиб, Тарафларга биттадан топширилди.

8.3 Мазкур Шартномада назарда тутилмаган масалалар бўйича Тарафлар ЎзР амалдаги конунчилигини қўллайдилар.

8.4 Шартномага киритиладиган ўзгаришлар ва кўшимчалар иккала Тарафларнинг ўзаро розилиги билан кучга эга бўладилар.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1 Тарафлар ўртасида мазкур Шартномани бажариш пайтида вужудга келган низолар иложи борида ўзаро музокаралар ҳамда шикоятларни тақдим этиш йўли билан ечиладилар.

Мазкур Шартнома юзасидан вужудга келаётган барча низолар ва келишмовчиликлар, агарда улар ўзаро музокаралар йўли билан ечилмаган тақдирда, суд тартибида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ечиладилар.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

ТАЪМИНОТЧИ "Транссервис Газ Ойл" МЧЖ	ИСТЕЪМОЛЧИ
Хўжаобод тумани, Хидирша МФЙ АТБ "Хамкорбанк" Хўжаобод филиалибош офиси х/р 20208000604664942001 МФО 00083. СТИР 300648180. ОКЭД 47300. Телефон (95) 201 62 66	"Хўжаобод" газни етказишда сақлаш чинооти. Хўжаобод тумани, Хидирша МФЙ х/р. 20210000400117836123 "Саҳроатқурекимбанк" АНД: ФриЛ. ЧИН 200626188 МФО 00075



Директор:

Ш. Маманазаров



Х. Бакистанов